

**ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ЭКОЛОГИК ТАРҒИБОТЧИЛИК
ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ ИШЛАРИНИ ОЛИБ БОРИШ ЗАРУРИЯТИ**

*Хожанов Баҳадыр Кеунимжаевич,
Нукус давлат педагогика институти,
Бошланғич таълим кафедраси ўқитувчиси*

**НЕОБХОДИМОСТЬ ПРОВЕДЕНИЯ РАБОТ ПО ПОДГОТОВКЕ
СТАРШЕКЛАССНИКОВ К ЭКОЛОГО-ПРОПАГАНДИСТСКОЙ
ДЕЯТЕЛЬНОСТИ**

*Хожанов Баҳадыр Кеунимжаевич,
Преподаватель кафедры начального образования,
Нукусский государственный педагогический институт*

**THE NECESSITY FOR WORK TO PREPARE HIGH SCHOOL STUDENTS
FOR ENVIRONMENTAL ADVOCACY ACTIVITIES**

*Hojanov Bahadir Keunimjaevich,
Lecturer at the Department of Primary Education,
Nukus State Pedagogical Institute*

Аннотация. Мазкур мақолада экологик маданият, экологик билимдонлик, шунингдек, юқори синф ўқувчиларини экологик тарғиботчилик фаолиятга тайёрлаш ишларини олиб бориш зарурияти ёритиб берилди.

Таянч сўзлар: Экологик маданият, экологик онг, экологик, ҳуқуқий, ахлоқий ва эстетик қарашлар, ижтимоий - экологик муносабат, экологик-тарғиботчилик онг, экологик тарғиботчилик тушунча.

Аннотация. В данной статье освещается экологическая культура, экологические знания, а также необходимость проведения работ по подготовке старшеклассников к эколого-пропагандистской деятельности.

Ключевые слова: Экологическая культура, экологическое сознание, экологические, правовые, нравственные и эстетические взгляды, социально-экологическое отношение, эколого-пропагандистское сознание, понятие экологической пропаганды

Annotation. This article deals with ecological culture, ecological awareness, as well as the need for work to prepare high school students for environmental advocacy.

Key word: Ecological culture, ecological consciousness, ecological, legal, moral and aesthetic views, social and ecological relationships, ecological advocacy consciousness, the concept of ecological propaganda

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мужалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг IV. Миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш боби “Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, шаҳар туманларда экологик аҳволни яхшилаш “Яшил макон” умуминсоний лойиҳасини амалга ошириш” деб белгиланганлар. Чунки, экологик хавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтақавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган. Табиат ва инсон ўзаро муайян қонуниятлар асосида муносабатда бўлади. Бу қонуниятларни бузуш ўнглаб бўлмас экологик фалокатларга олиб келади. Бу муаммоларни ҳал этиш ёшларнинг билими, онги, ақл заковатига боғлиқ.

Республикамизнинг умумий ўрта таълим мактабларининг юқори синф ўқувчиларини экологик тарғиботчилик фаолиятига тайёрлашнинг педагогик механизмини такомиллаштириш, даредан ташқари машғулотларда экологик билимлар мустаҳкамлаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича тарғибот ишларини олиб боришга тайёрлаш зарурияти туғилмоқда. Экологик вазиятнинг

ниҳоятда кескинлашуви, ишлаб чиқариш муносабатларининг мураккаблашуви инсоннинг табиатга нисбатан илмийамалий фаолиятини қатъий равишда тартибга солишни талаб этмоқда. Мазкур талаблар Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари мазмунида ўз аксини топган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (XI боб, 50-модда) да: «Фуқаролар атроф, табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар» деб кўрсатилган. Бу ҳар бир фуқаронинг ҳаёт тарзига айланиши лозим

Табиат ва жамият борасида ғамхўрлик кўрсатиладиган жамиятдагина инсон ва табиат ўзаро муносабатларининг ҳақиқий қулай-шакллари мавжуд бўла олади. Бундай жамиятда ижтимоий ишлаб чиқариш ва табиатни муҳофаза этишга, ернинг шўрланиши, сувнинг ифлосланиши, ўлканинг флора, фауна системасининг бузилиши, атроф-муҳитни асрашга даъват қилиш мақсадлари ўртасида ҳеч қандай зарурат бўлмайди. Атроф-муҳитни муҳофаза этиш учун курашишга даъват этиш, тарғибот- ташвиқот ишларини олиб бориш сўзсиз, Республикамиздаги ҳар бир ўқувчининг фуқаролик бурчига айланмоғи лозим. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ёшларнинг экологик онгини шакллантиришнинг муҳим йўналишларидан бири – уларда табиатга бўлган ахлоқий муносабатларни тарбиялашдир.

Ҳар бир мактаб ўқувчиси она табиатни ўзи яшайдиган уй деб билиши, унинг компонент(ҳаво, сув, тупроқ)ларини эса, яшашим, ўқишим ва билим олишим учун зарур бўлган муқаддас манба деб ҳисоблаши зарур.

Ана шундагина, ўсимликларни пайҳон қилмаслик, гулларни юлмаслик, ўрмонлар, кўчаларда юрганда шовқин чиқармаслик; атрофга ахлат тўқмаслик, ёнгин чиқармаслик, дарахтларни кесмаслик; тўпроқ, ҳаво, сувни ифлос қилмаслик, йирткич ҳайвонларни ўлдириш мумкин эмаслиги, энергия, Ер ва сувдан унумли фойдаланиш зарурлиги англаб етади. Бу эса, ўқувчида ўз Ватани шарафини онгли равишда ҳимоя қилишга, унинг қонун, қарорларини сидқидилдан бажарадиган инсон сифатида табиат ва унинг компонентларини кўриқлашга, унинг энг яқин ишончли дўсти ва ҳимоячиси бўлишга даъват этади.

Ўқувчи табиат ва унинг қонуниятларини, сирларини билиб олишга интилади, ҳар қандай шароитда ҳам табиат, атроф муҳитни кўриқлаш ва унинг бойликларидан унумли фойдаланиш ғояларини қўллаб-қувватлашга, шунга амал қилиб онгли равишда, фаол тарғиб этишга ҳаракат қилади.

Бундай ишларни амалга ошириш мактабларда ташкил этиладиган дарсдан, синфдан ва мактабдан ташқари тарбиявий ишлар жараёнида амалга оширилади. Бу ҳақида Ўзбекистон Республикасида экологик таълимни ривожлантириш концепциясининг “Умумий ўрта таълим тизимида экологик таълимни такомиллаштириш бобининг 24- Умумий ўрта таълим муассасаларида ташкил этиладиган экологик тўғарақлари ўқув дастурларида янги, самарали ва таъсирчан машғулот ва тадбирларни киритиш масаласига алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги келтириб ўтилган. Илғор ўқитувчилар мактаблардаги мавжуд имкониятларни ҳисобга олиб, мактаб ва дарсдан ташқари вақтларда ўтказилган машғулотлар мазмунига экологияга оид билимларнинг хилма-хил жиҳатларини сингдиришга ҳаракат қилмоқдалар. Айниқса, биология, кимё, физика, меҳнат таълими ўқитувчилари ўқувчиларни асосий экологик ғоялар ва тушунчалар билан таништиришда экологияга доир материаллар мазмунига таяниб, иш олиб борадилар.

Атроф муҳитга таъсир этаётган инсон фаолияти экологик онглилик, экологик онгсизлик, экологик идрок, экологик тафаккур, экологик маъсуллик, экологик фаоллик ва экологик фаолиятсизлик, экологик маданият ва экологик маданиятсизлик экологик маънавият, каби тушунчалар асосида баҳоланмоқда. Ўз - ўзидан равшанки, мазкур тушунчалар мазмунида ахлоқий асослар ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Экологик маданият тушунчаси бугунги кунга қадар эколог, файлосуф, социолог,

психолог, физиолог ҳамда педагог олимларининг асарларида ўз талқинита эга бўлди.

Олим Б. Маҳкамов ўзининг илмий тадқиқот ишида экологик муаммоларни ечишда инсонда экологик маданият юқори даражада ривожланган бўлиши кераклигини таъкидлаб, экологик маданият тушунчасини куйидагича изоҳлашга ҳаракат қилади[3]:

Экологик маданият - бу ижтимоий тараққиёт ҳамда биоценоз ўртасидаги мутаносибликни максимал даражада таъминлашга йўналтирилган ижтимоий фаолиятнинг сифат даражаси.

Экологик маданият тарихий - объектив шароитда субъект томонидан ташкил этиладиган фаолият даражаси сифатида табиат, атроф-муҳит ҳамда ижтимоий муносабатлар ўртасидаги узвийлик, алоқадорлик ва яхлитликни таъминлашда экологик хавфнинг олдини олиш, уни бартараф этишга йўналтирилганликда кўринади.

Шунингдек, олим шахс экологик маданиятининг методологик асосларини куйидагилар билан тавсифлайди:

шахс экологик маданияти уйғун равишда ташкил этилган экологик таълим-тарбиянинг самараси сифатида намоён бўлади;

шахс экологик маданияти ижтимоий - объектив, тарихий шароитда қарор топган ижтимоий - экологик муносабатлар мазмуни асосида шаклланади;

шахс экологик маданияти – у мансуб бўлган ижтимоий - тарихий жамият тараққиёти даражаси ва мазмунига бевосиба боғлиқ бўлади;

шахс экологик маданияти ижтимоий - экологик муносабатларни ташкил этиш жараёнида атроф – муҳитга фаол ва онгли равишда ёндашувда намоён бўлади;

шахс экологик маданиятининг шаклланиши табиий муҳит софлиги ва яшовчанлигини, шунингдек, ижтимоий цивилизация ривожини кафолатлайди.

Бундан келиб чиқиб, экологик маданият субъект фаолиятини ташкил этишда ижтимоий – ахлоқий қадриятлар ҳамда табиат, атроф-муҳитга нисбатан оқилона, чуқур мулоҳазали, ўлчовли хатти - ҳаракатларни йўлга қўйиш демакдир.

Бизнинг эътиборимизни тортган, жамият ижтимоий ҳаёти ҳамда экологик тизим доирасида ўзига хос ўрин тутувчи ва шахс хулқ - атвори, хатти - ҳаракати ва фаолиятининг етакчи сифат кўрсаткичи бўлган экологик онгнинг мазмуни нимадан иборат, у қачон ва қандай ҳолатда намоён бўлади, уни шакллантириш йўллари қандай, бунинг учун қандай экологик ташвиқот-тарғибот ишларини олиб боришимиз керак ва уни қандай амалга ошириш мумкин каби саволлар мажмуи тадқиқот ишимизни олиб бориш жараёнида ўз ечимига эга бўлиши учун ҳаракат қилдик. Ишнинг мазмунини очиб бериш борасидаги дастлабки сайи ҳаракат – “экологик маданият» тушунчасини шарҳлаш, унинг илмий - педагогик асосларига урғу бериш, сўнг эса онг, онгсизлик, экологик онг ҳақида фикр юритишдан иборат.

Табиатни севиш уни асраш борасида зардуштийлик динининг муқаддас китаби «Авеста» да илгари сурилган фикрларга, ислом динининг муқаддас китоби «Куръони Карим» ва «Ҳадиси Шариф» асарларида янада кенг ва батафсил тўхталиб ўтган.

Атроф-муҳит тозалиги мусоффолиги борасидаги ғоялар мазкур манбаларда марказий ўринни эгаллар экан, унда жумладан шундай дейилади: «Бирортангиз экиш учун қўлингизда бирор бир кўчатни ўшлаб турган бўлиб қолса-ю, қойим бўлишидан у илгарироқ уни экиб олишга кўзингиз етса, албатта экиб қўйинг». Хулоса шуки, дарахлар атроф- муҳит софлигини таъминловчи муҳим манба ҳисобланади. Уларнинг қай даражада купайиши табиий муҳит мувозанатининг барқарорлашувига олиб келади.

Экологик таълим муаммосини ҳал этиш борасида бир мунча ишлар амалга оширилди. Айниқса: XX аср охири, XXI аср бошларида ўқувчиларга экологик таълим бериш муаммосини тадқиқ қилиш сезиларли даражада ривожланди.

Жумладан, экологик таълимнинг мақсад, вазифа, тамойиллари, мазмуни, шунингдек, ўқувчиларда экологик онгни шакллантириш, тафаккурни ривожлантириш, билимни чуқурлаштиришга оид назарий масалалар рус академиги И.Д.Зверев ҳамда Проф. А.Н.Захлебнийлар томонидан ҳал этилди.

Педагогика фанлари доктори, профессор Э.О.Турдикулов ўзининг «Табиатни севинг, ардоқланг» номли ўқувчилар ва тўғарак аъзолари учун ўқув қўлланмасида табиат ва инсон, инсоният ва унинг яшаш муҳити; табиатга инсоннинг антропоген таъсири; атроф-муҳитни ифлословчи манбалар ҳақида маълумотлар, шунингдек, қўлланмада табиатни муҳофаза қилиш ўйини, ўсимликларни ўрганиш ва кўриқлаш, Атмосферани ўрганиш ва муҳофаза қилиш, оромгоҳда бўлганда, чиқинди ва ташландиқларга қарши курашиш, табиатнинг сўлим гўшаларини асраш, сувни қадрлаш, эъозлаш, олов билан муаммола қилиш маданияти ҳақида батафсил маълумотлар беришга ҳаракат қилган.

Олима Н. Ашурова Ўзбекистон миллий мактабларидаги III-IV синф ўқувчиларини экологик тарбиялашнинг илмий асосланган йўллари, шакллари ва методлари, шунингдек, бошланғич синф ўқувчиларининг экологик маданиятини шакллантиришга имкон берувчи табиатшунослик дарслари ва синфдан, мактабдан ташқари тадбирларнинг имкониятларидан фойдаланишга асосланган самарали тизимини яратишга ҳаракат қилган.

В. Саттаров қишлоқ хўжалик меҳнати таълими жараёнининг экологик мазмун ва имкониятларини аниқлаш, таълим ва тарбиянинг ноанъанавий ташкилий шакллари ва методлари қишлоқ хўжалик меҳнати дарслари, синфдан ва мактабдан ташқари машғулотлар жараёнида ўқувчилар экологик маданиятини шакллантириш андозасини яратишга ҳаракат қилган.

Юқорида келтириб ўтган олимларимиз тадқиқотларида экологик тарбия бериш масалалари, экологик маданиятни шакллантиришнинг аҳамиятини очиб беришга ҳаракат қилишган. Биз эса ўз ишимизда ўқувчиларни экологик тарғиботчилик фаолиятига тайёрлаш долзарб педагогик муаммо эканлиги илмий –амалий жиҳатдан асослаб, ўқувчилардан экологик тарғиботчилар тайёрлаш методларини, илмий методик тавсияларни ишлаб чиқишга ҳаракат қилганмиз.

Экологик таълим-тарбияга эътибор бермаслик - келажак авлодларимиз ҳаётига бефарқликдан бошқа нарса эмас.

Камол топган ахлоқийлик, эзгулик, ўз эҳтиёжларини чеклай билиш, бошқаларнинг меҳнатига ҳурмат билан муносабатда бўлиш ва ниҳоят, экологик саводхонлик биз учун бугунги кунда зарур бўлган нарсалар ана шулардир.

Яна бир нарсани ҳеч ёддан чиқармаслик лозим, ҳар бир инсон табиат гўзаллигини кўра билсин, унинг саҳийлигини унутмасин, табиатдан ҳайратланиб, ажабланиб, завқланиб яшасин ва бошқаларга ҳам угит-насихат қила билсин. Илло, гўзаллик ярата билган инсонгина табиатнинг улуглиги ва чиройини қалбан ҳис қила билади. Демак, у мана шу табиатни муҳофаза қилишга бошқаларни ҳам даъват эта олади, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бора олишга қодир инсонлардир.

Ҳар бир шахс табиат, атроф муҳитни ўзининг меҳр-муҳаббат ва шавқати билан муҳофаза қилишдек олий маданиятга эга бўлсагина, экологик муаммоларнинг олди олинади, цивилизация хавф-хатардан омон қолади.

Ҳар бир ота-она фарзандларини, шунингдек, устоз ўз шогирдларини табиатни севиш, ардоқлаш, ерга, тўпроққа меҳр кўйишга, ўсимлигу жониворларни ардоқлаш руҳида тарбия қилишлари зарур. Ҳар бир ота-она болалари гўдаклик чоғиданоқ табиатга нисбатан бемехрлик билан енгил-елпи қарасалар, сувни ифлос ва исроф қилсалар хавони ҳар хил заҳарли газлар билан ифлосласалар, бу оғир оқибатларга олиб келишлигини билмоқлари керак.

Ўқувчи- ёшларда экологик онг ва маданиятни тарбиялашда оила, болалар боғчаси, мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари, маҳаллаларда олиб борилаётган таълим ва тарбиявий ишлар муҳим аҳамиятга эга.

Мактабларда машғулотлар ўтказиш жараёнида экологик тарғибот ишларини мақсадга йўналтирилган ҳолда ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Бунда, энг аввало, ўқувчиларда табиатга, атроф-муҳитнинг турли объектларига нисбатан, заводлар, фабрикалар, бригадалар, гуруҳлар томонидан қабул қилинган қарорларга, катта ёшдаги кишилар, ва ўртоқлари феъл-атворини, ўзларининг хулқини таҳлил этишга экологик ёндашувни шакллантириш борасида аниқ тадбирлар белгилаш лозим. Экологик тарбиянинг муҳим шакли ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш таълими устаси (синф раҳбари, ўқитувчи, ётоқхона тарбиячиси) раҳбарлигидаги табиатни муҳофаза этиш, мактаб ҳудудларини ободонлаштириш, кўчат-дарахтлар экиш ва уларни назорат қилиш; қушлар ва ҳайвонлар учун уя ва ин қуриш; булоқ, кўл ва ариқларни ахлат ва чиқиндилардан тозалаш; туман ҳудудига яқин жойлашган қишлоқ ёки шаҳар атрофидаги оромгоҳларга оталиқ қилиш ва бошқалар бўйича ташкил этилган амалий ишларидир.

Бундай ишлар натижасида ўқувчиларда табиат билан боғлиқ зарурий экологик, ҳуқуқий, ахлоқий ва эстетик қарашлар шаклланади. Ўқувчиларинсоннинг табиатдаги ўрнини, она шаҳри ёки қишлоғи учун табиат муҳофазаси борасидаги фаолиятнинг аҳамиятини, ер ва ҳаво, кўл, дарёларни тоза сақлаш масалаларини ҳал этишда фаол ҳаётий нуқтаи назарнинг долзарб эканини тушуниб етадилар ва бошқаларга ҳам тарғиб қилиш фикрига келадилар. Айнан ўқувчиларнинг табиатни муҳофаза этиш борасида мақсадга йўналтирилган амалий фаолияти индивидуал экологик онгнинг шаклланишида зарурий шарт ҳисобланади. Ўзбекистонда экологик таълим ва тарбия масалалари «Боғча болалари тарбияси дастури»га ҳам киритилган. Бу долзарб масаланинг кейинги босқичлари экологик таълим мактаблари, касб-ҳунар таълими муассасалари ва олий ўқув юртларида ҳамда бевосита корхоналарда давом этирилади. Ўқувчиларнинг мактабда табиатшунослик, биология, география, физика, кимё ва бошқа фанлардан олган билимларидан мактабда дарсдан, синфдан ва мактабдан ташқари ишлардаги экологик таълим ва тарбия жараёнида кенг фойдаланиш лозим.

Фойдаланган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” ПФ-60 сонли Фармони. <https://lex.uz>
2. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 8-декабрь 1992 йил <https://lex.uz>
3. Б. Маҳкамов «Меҳнат таълими жараёнида интерфаол усуллар воситасида ўқувчиларда экологик онгни шакллантириш» Дисс...канд.пед.наук. –Т., 2009. -174 с.
4. Турдиқулов Э.О., Турдиқулов У.Э. Марказий Осиёда экологик таълим тараққиёти. –Т.: Фан, 2005. -504 б.